



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI GENDER TENGLIKNI TA’MINLASH
MASALALARI BO‘YICHA KOMISSIYASI**

2020 yil “28” dekabr

OB-25-16/2020-sonli

Toshkent sh.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликларига**

**Вазирлик ва идораларга
(рўйхат асосида)**

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2020 йил 21 декабрь куни ўтказилган йиғилишининг 5-сонли баённомаси ижро учун юборилмоқда.

Мазкур баённомадаги топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотнинг белгиланган муддатда киритиб борилишини таъминлашингизни сўраймиз.

Илова: 18 varaқда.


**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси
ўринбосари, Комиссия хузуридаги
ишчи гуруҳ раҳбари**

 **З. Низамходжаев**

Вазирлик ва идоралар рўйхати

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилиги
3. Мактабгача таълим вазирлиги
4. Ички ишлар вазирлиги
5. Халқ таълими вазирлиги
6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8. Марказий банк
9. Касаба уюшмалари федерацияси
10. Давлат статистика қўмитаси
11. Савдо-саноат палатаси
12. “Тадбиркор аёл” ассоциацияси
13. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази
14. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати
15. “Тараққиёт стратегияси” маркази
16. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази
17. Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти
18. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси,
Ўзбекистон Республикаси
Гендер тенгликни таъминлаш
масалалари бўйича комиссияси раиси


_____ **Т.К. Нарбаева**
2020 йил ____ декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш
масалалари бўйича комиссиясининг 5-сонли
Б А Ё Н И**

2020 йил 21 декабрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Т.К. Нарбаева – Комиссия раиси

Иштирок этдилар:

Комиссия аъзолари, Олий Мажлис Сенати
аъзолари, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзолари, вазирлик ва
идоралар вакиллари *(руйхат бўйича)*

К У Н Т А Р Т И Б И

1. Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу соҳада келгусида амалга ошириладиган вазифалар ҳақида.

2. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар бирлашмасининг жорий йилда амалга оширган ишлари тўғрисида.

*(Т.Нарбаева, Г.Маъруфова, Н.Хусанов, Д.Рахимова, А.Хўжақулов, Ф.Эшматова,
М.Расулова, Д.Кабулова, О.Атаниязова, Т.Нарбаева)*

Йиғилишида Комиссиянинг 2020 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар танқидий муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Ф.Эшматованинг ахбороти эшитилди.

Марказлар томонидан зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш борасида олиб борилаётган ишлар танқидий кўриб чиқилиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

Муҳокамалар давомида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида Комиссия ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар бирлашмасининг ахбороти эшитилиб, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг 2021 йилга мўлжалланган фаолият йўналишлари юзасидан билдирилган таклифлар атрофлича кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари ва йиғилиш иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олиб, Комиссия **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий Мажлиси Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Ф.Эшматованинг Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар бирлашмаси раиси Д.Кабулованинг хотин-қизларни турли соҳаларда қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ушбу соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2021 йил учун мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Худудларга бириктирилган Комиссия аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда ўзлари бириктирилган худудларда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш худудий марказлари ҳамда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг фаолиятини самарли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларни танқидий муҳокама қилсин;

мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳудудда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли тазйиқ ва зўравонликлардан жабр кўрган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва ижрога йўналтирсин;

ҳар чорак якуни бўйича ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини танқидий таҳлил қилган ҳолда фаоллар йиғилишларида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилишини йўлга қўйсин.

4. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов):

бир ой муддатда ҳудудларда ташкил этилган “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” фаолиятини танқидий ўргансин, унинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Комиссияга киритсин;

бир ой муддатда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларининг фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва келишиш учун Комиссияга киритсин, бунда, марказларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлигини кучайтириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин;

икки ой муддатда халқаро фондлар ҳокимликлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш ҳудудий марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича ҳар бир марказ бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин ҳамда амалга оширилишини таъминласин;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўналишида Ёшлар ишлари агентлиги ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини ишлаб чиқсин;

Мақтабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) билан ҳамкорликда маҳаллаларда, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасаларида хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб борсин;

бир ой муддатда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, оилада тазйиқ ва зўравонликка учраётган хотин-қизларни барвақт аниқлаш ва ушбу оилаларда профилактик ишларни кучайтириш бўйича қуйи бўғинда фаолият юритаётган тегишли соҳа ходимларининг ҳамкорликда ишлаш механизмини жорий қилсин;

“1146” қисқа рақамли “Ишонч телефони”нинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ушбу мақсадлар учун халқаро ташкилотларнинг молиявий кўмагини жалб этиш чораларини кўрсин;

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов):

2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйиладиган иш жойларининг сифат даражасини танқидий таҳлил қилсин ва муносиб иш ўринлари квоталанишини, квоталанган иш ўринлари ҳақида аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов), Марказий банк (М.Нурмуратов) билан ҳамкорликда халқаро ва маҳаллий экспертларни, нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этган ҳолда хотин-қизларнинг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган мотивацион дастурлар ишлаб чиқсин, бунда, муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнес вакиллари жалб қилишга эътибор қаратсин;

“Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизларнинг қизиқишлари ва оилавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга, тадбиркорлик асосларига ва хорижий тилларга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чораларни белгиласин ҳамда амалга оширилишини таъминласин;

Касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ушбу секторда банд бўлган хотин-қизларнинг расмий бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этсин, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг намунавий шакллари мазмунан қайта кўриб чиқсин, бунда, меҳнат жамоаларида гендер тенгликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин;

хотин-қизлар ва эркаклар учун иш ҳақининг бир хил тўланиши ҳолати юзасидан мониторинг ўтказиш ҳамда ушбу ишларга халқаро ташкилот мутахассисларини жалб этиш чораларини кўрсин;

вазирлик тизимидаги ўқув марказларида хорижий давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган хотин-қизларни ташриф буюраётган давлатнинг қонунчилиги, хусусан, меҳнат қонунчилиги, мигрантларнинг ҳуқуқлари, шунингдек уларнинг касбий маҳоратларини ошириш бўйича ўқитилишини ташкил этсин;

хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтган хотин-қизларни мамлакатимиздаги бўш ва муносиб иш ўринларига ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали хорижий давлатларга қайта чиқиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хорижий давлатлардан қайтган мигрант хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали хотин-қизлар ўртасида меҳнат миграцияси кўрсаткичларини камайтириш чораларини кўрсин;

бир марталик банд қилиш марказлари орқали ўз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, расмий бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйсин.

6. Марказий банк (М.Нурмуратов)га 2021 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти учун ажратиладиган кредит ресурсларининг муайян қисмини аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадлари учун квоталаб қўйиш амалиётини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

7. “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси (Г.Махмудова) **Савдо-саноат палатаси** (А.Икрамов) ва **Давлат солиқ қўмитаси** (Ш.Кудбиев) билан ҳамкорликда тадбиркор хотин-қизлар тўғрисида ягона электрон базани шакллантириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ва Комиссияга киритсин.

8. Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), **“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси** (Г.Махмудова) хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва 2021 йилнинг январь ойидан бошлаб ҳудудлардаги “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган хотин-қизларни ўқитиш, уларга тижорат банклари орқали кредит олишларида амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйсин.

9. Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов) республика ва вилоятлар кесимида гендерга оид вазиятни таҳлил қилиш ҳамда унинг мониторингини юритиш мақсадида хотин-қизлар ва эркакларнинг норасмий меҳнат бозори секторидаги, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштироқи, уларнинг давлат томонидан кафолатланган имкониятлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан статистик маълумотларни тизимли юритилишини таъминласин.

10. Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин) давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчилари учун ишлаб чиқилган гендер тенгликка оид ўқув дастурларининг **бир ой муддатда** барча мактабгача таълим ташкилотларида жорий этилишини таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) **икки ҳафта** муддатда хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда профилактика тадбирларини ўтказиш режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) билан ҳамкорликда хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин.

13. Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти (Н.Эгамбердиева) бир ой муддатда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий қўлланма ишлаб чиқсин ҳамда жойлардаги Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларига етказилишини таъминласин.

14. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (Н.Рахимова), “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати (Б.Бекмуродов), “Тараққиёт стратегияси” маркази (Э.Туляков)га 2021 йилда жамиятда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва Комиссияга киритиш топширилсин.

15. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази (М.Расулова):

бир ой муддатда ҳар бир вилоятда танлов асосида битта туман маркази фаолиятини намунали йўлга қўйиб, уларнинг негизида ҳудудлардаги марказлар ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказилишини ташкил этсин;

оилада хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олдини олиш, бундай салбий ҳолатларни барвақт аниқлаш бўйича тезкор чораларни амалга ошириш мақсадида маҳаллалардаги нотинч оилаларда аноним сўровлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин;

2021 йилнинг январидан бошлаб маҳаллаларда марказ фаолиятини тарғиб қилиш, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли ташкил этсин.

16. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (О.Хусанов) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олдини олиш бўйича лойиҳаларни рағбатлантиришни назарда тутувчи давлат грантлари танловлари ўтказилишини йўлга қўйсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси (Ф.Эшматова)га ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси (О.Иминов)га 2021 йилнинг 1-ярим йиллигида мамлакатимизда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш, ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган ёки ўз жонига қасд қилган шахслар билан ишлаш ва бу борада профилактик ишларни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиш ва натижаларини қўмиталарнинг қўшма мажлисида муҳокама қилиш ҳамда мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

икки ой муддатда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини таҳлил қилиб, уларга фуқароларнинг келиб кетиши қулай бўлган бинодан жой ажратиш, замон талаблари асосида жиҳозлаш, тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни вақтинчалик жойлаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Комиссияга ахборот киритсин;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоаларида гендер масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилишини ва тўлиқ фаолият юритишини таъминлаш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 февралга қадар фаол, ташаббускор хотин-қизлардан иборат кадрлар захирасини шакллантирсин ҳамда мутахассисликларидан келиб чиқиб, ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўташини, шунингдек номзодларини давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидаги раҳбар лавозимларига босқичма-босқич тавсия этиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

бир ой муддатда “Аёллар дафтари”ни тўлиқ шакллантириш мақсадида оилаларни хатловдан ўтказиш ҳамда хотин-қизлар билан анкета сўровномаларини тўлдириш ишларини яқунласин;

хотин-қизлар ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижаларини тўлиқ электрон базага киритилишини, натижалари таҳлил қилинган ҳолда муаммоли хотин-қизларнинг ҳар бири бўйича 2021 йилда уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришни ҳисобга олган ҳолда, аниқ манзилли чораларни белгиласин;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудда олиб борилаётган ишларни ҳар ойда таҳлил қилиб борсин ва натижаларини ҳокимлик соатларида танқидий муҳокама қилсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳудудда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан депутатлик назоратини олиб бориш, Кенгаш сессияларида мазкур масала юзасидан ҳудуддаги мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилишини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

20. Ушбу Баён Комиссия аъзоларига, тегишли вазирлик ва идораларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилсин.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш
масалалари бўйича комиссиясининг 2021 йил учун мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
I. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш				
1.	Бирлашган Ташкилотининг ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш учун 2030 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик, идоралар билан келишиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш.	2021 йил январь февраль	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	Давлат шакллантиришда бюджетлаштириш механизминини жорий этиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.	1. Тегишли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Гендер жорий этиш бўйича бюджетлаштириш тизимини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 3. Ишлаб чиқилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Комиссия билан келишиш. 4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лоyiҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил февраль июль август сентябрь	Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия

3.	<p>Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда меҳнат жамоаларидаги муҳитни мустаҳкамлаш, қарорлар қабул қилишдаги ролини ошириш мақсадида барча поғонадаги давлат органларида раҳбарлик лавозимларига тайинлашда, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқарув хайъати таркибини шакллантиришда 30 фоизлик квота тизими жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Тегишли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш.</p> <p>2. Халқаро тажрибани ўрганиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган таклифларни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>апрель</p> <p>май</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия</p>
4.	<p>Корхона ва ташкилотларда раҳбарларнинг бирига гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳатчиси мақоми бериш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш ва Комиссияга киритиш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>апрель</p> <p>май</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия</p>
5.	<p>Эркаклар учун пенсияга чиқиш ёшини хотин-қизларнинг пенсияга чиқиш ёшига тенглаштириш масаласини кўриб чиқиш.</p>	<p>1. Халқаро тажрибани ўрганиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган таклифларни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш.</p>	<p>2021 йил май</p> <p>июнь</p>	<p>Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги</p>
6.	<p>Тазйик ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гуруҳларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноий жазо</p>	<p>1. Халқаро тажрибани ўрганиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2021 йил июль</p> <p>август</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги</p>

	<p>белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2. Ишлаб чиқилган таклифларни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш.</p>		
<p align="center">II. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги ташкилий-амалий тадбирлар</p>				
7.	<p>Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордери институтининг амалиётга жорий этилиши натижалари юзасидан Ички ишлар вазирлиги ахборотини эшитиш.</p>	<p>1. Тегишли соҳа ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан ҳимоя ордери институтининг амалиётга жорий этилиши ҳолатини ўрганиш. 3. Ўрганиш натижаларини Комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ва Ички ишлар вазирлигининг ахборотини эшитиш.</p>	<p>2021 йил февраль март апрель</p>	<p>Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия</p>
8.	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда “Гендер тенгликни таъминлаш”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш” мавзуларида грант танловларини эълон қилиш.</p>	<p>1. Грант танловини ўтказиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш. 2. Танловни эълон қилиш ва ўтказиш.</p>	<p>2021 йил март апрель-май</p>	<p>Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси</p>
9.	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Девон ходимлари учун парламент</p>	<p>1. Семинар-тренинглار концепсияси, дастурлари ва тарқатма материалларини тайёрлаш.</p>	<p>2021 йил апрель</p>	<p>Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия,</p>

	назоратини амалга ошириш соҳасида гендер туркум масаласида семинар-тренинглари ташкил этиш.	2. Тегишли мутахассис ва экспертларни жалб этган холда семинар-тренинглари ўтказиш.	июнь	“Тараққиёт стратегияси” маркази
10.	Гендер йўналишини фан соҳаси сифатида академик соҳалар реестрига киритиш.	1. “Гендер тадқиқотлар” соҳасидаги фалсафа (PhD) ва фан (DSc) доктори илмий даражалари олишни таъсис этиш. 2. Илмий кенгаш ва докторантуралар очиш, гендер тенглик йўналишидаги ишларни узлуксиз ташкил қилиш ва такомиллаштириш, уларни янги сифат босқичига кўтариш.	2021 йил февраль-март режа асосида	Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти
11.	Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг меҳнат жамоаларида муносиб меҳнат шaroитларини яратиш мақсадида ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш.	1. Тиббий кўриқни ташкил этиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш бирлашмалари томонидан режа-жадвал ишлаб чиқиш. 2. Бир йилда икки мартаба тиббий кўриқ ташкил этиш.	2021 йил февраль режа асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
12.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида тижорат банкларида кредит олган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси молиявий ёрдамларидан фойдаланганлар электрон базасини хотин-қизлар ва эркаклар кесимида юритиш ва таҳлилий маълумотларни Комиссия сайтида ёритиб бориш.	1. Жамғарманинг “Тадбиркор” электрон дастурида ушбу маълумотларни юритиш. 2. Базадаги маълумотлардан келиб чиқиб, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Комиссияга тақдим этиш.	ҳар ойда ҳар чоракда	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия
13.	Хотин-қизлар ва эркакларга ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини	1. Таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳамкорлар билан келишиш.	2021 йил март	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

	<p>шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консультатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиха бизнес-режасини тайёрлаш, тайёр лойихаларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бериладиган молиявий кўмаклар бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш.</p>	<p>2. Ўқув дастурини ва ўқитиш жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Тренерларни танлаш ва улар билан келишиш. 4. Ўқувларни ташкил этиш.</p>	<p>апрель режа асосида</p>	<p>қисқартириш вазирлиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш Агентлиги, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси</p>
14.	<p>“Ўзбекистон маҳаллий бошқаруви органларида аёлларнинг иштироки” мавзусида миллий тадқиқот ўтказиш.</p>	<p>1. Тадқиқот концепцияси режасини ишлаб чиқиш. 2. Республиканинг барча ҳудудларида тадқиқот ўтказиш. 3. Тадқиқот яқунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва Комиссияга тақдим этиш.</p>	<p>2021 йил март режа асосида август</p>	<p>“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фуқаролик жамияти институти вакиллари</p>
15.	<p>Тазйик ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан, уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан хотин-қизларга тазйик ўтказган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган ҳамда жабр кўрган шахсларни махсус рўйхатдан ўтказган ҳолда реестр юритишни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойихаси ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлаш.</p>	<p>2021 йил март-апрель</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>
16.	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий</p>	<p>1. Ходимлар малакасини ошириш бўйича “Аёллар ҳуқуқи” бўйича янги</p>	<p>2021 йил июнь</p>	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон</p>

	<p>маркази қошидаги ўқув курслари дастури доирасида “Аёллар ҳуқуқлари” номли гендер тенглик масаласига доир малака ошириш курсларини жорий этиш.</p>	<p>Ўқув модулини, ўқув дастури ва режасини ишлаб чиқиш. 2. Ўқув курсини ташкил этиш юзасидан график режа ишлаб чиқиш ҳамда ўқув адабиётлари таркибини кўриб чиқиш. 3. Ўқув курсига вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган аёллардан иборат тингловчилар рўйхатини шакллантириш. 4. Дастур асосида белгиланган муддатларда ўқув курси ўтказилишини мониторинг қилиш.</p>	<p>июль режа асосида режа асосида</p>	<p>Республикаси Миллий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирлик ва идоралар</p>
<p>III. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш</p>				
17.	<p>Ўзбекистонда аёллар тарихи ва гендер тадқиқотларни ўрганувчи олимлар ассоциациясини ННТ сифатида ташкил этиш, унинг фаолиятини миллий ва хорижий лойиҳалар асосида тузиш ҳамда ННТни Аёллар тарихини ўрганиш бўйича халқаро ассоциацияга аъзо қилиш.</p>	<p>1. Аёллар тарихи ва гендер тадқиқотларни ўрганувчи олимлар рўйхатини шакллантириш. 2. Олимлар иштирокида ассоциация тузиш масалаларини муҳокама қилиш. 3. Белгиланган тартибда ассоциация ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил март июнь июль-август</p>	<p>Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>
18.	<p>Гендер масалаларга оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистика билан доимий таъминлаб бориш.</p>	<p>1. Йил якуни бўйича гендер масалаларига оид маълумотларни шакллантириб, қуйидаги манбалар орқали халқаро ташкилотлар ва бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиб бориш: - www.gender.stat.uz расмий сайтыга гендер статистикага оид кўрсаткичларни жойлаштириш; - халқаро ташкилотлар саволномаларини тўлдириш.</p>	<p>ҳар йили сентябрь ойида</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар</p>

19.	“25 ноябрь – халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш” кунига бағишланган халқаро конференция ўтказиш.	1. Ҳамкор ташкилотлар билан биргалликда конференция концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2. Конференцияни ташкил этиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал қилиш. 3. Конференция яқунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва Комиссияга тақдим этиш.	2021 йил сентябрь октябрь ноябрь	“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Ички ишлар вазирлиги, Халқаро ташкилотлар вакиллари, Фуқаролик жамияти институту вакиллари
20.	Халқаро ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда “Зўравонликка қарши 16 кун” кампаниясини ўтказиш.	1. Ҳамкор ташкилотлар билан биргалликда кампания концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2. Кампанияни ташкил этиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал қилиш. 3. Кампания доирасидаги тадбирларни ўз вақтида ўтказиш.	2021 йил сентябрь октябрь ноябрь-декабрь	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Ички ишлар вазирлиги
21.	Гендер тенгликни таъминлаш соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда ташкил этиладиган гендер тенгликка оид ўқув семинарларида иштирок этиб бориш.	1. Гендер тенгликни таъминлаш соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш бўйича хорижий давлатларга хизмат сафарлари ташкил этиш. 2. Халқаро семинар, конференция, давра суҳбатларида иштирок этиш. 3. Халқаро тажрибалар асосида Давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда таклифлар киритиш.	режа асосида йил давомида	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия
22.	“Гендер тенгликдан барқарор ривожланиш сари” номли халқаро форум ташкил қилиш.	1. Форум Концепцияси, Дастури, режасини ишлаб чиқиш. 2. Форумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.	2021 йил август сентябрь	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, “Тараққиёт стратегияси” маркази

23.	2021 йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 1-мажлиси доирасида “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” ва бу ҳужжатни қабул қилишда Ўзбекистон тажрибаси тақдироти ўтказиш.	1. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига таклифларни юбориш. 2. Тадбирни юқори савияда ташкил этиш.	2021 йил январь март	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ
IV. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш				
24.	Хотин-қизлар ва эркакларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш, оилани режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралашувига йўл қўймаслик борасида ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб бориш.	1. Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш. 2. Чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни белгиланган муддатларда амалга ошириб бориш.	2021 йил февраль режа асосида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
24.	“Раҳбар аёлнинг бир куни” мавзусида телеканалларда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган раҳбар аёллар иштирокида суҳбатлар ташкил этиб бориш.	1. Медиа-режа ишлаб чиқиш. 2. Режа асосида суҳбатлар ташкил этиш. 3. Суҳбатларни марказий ва маҳаллий телеканалларда аҳоли учун қулай вақтларда намойишини йўлга қўйиш.	2021 йил февраль режа асосида йил давомида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, вазирлик ва идоралар
25.	Умумтаълим мактабларида “Ҳимоя ордери қанчалик зарур?” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этиш.	1. Умумтаълим мактабларида давра суҳбатлари ташкил этиш. 2. Ички ишлар вазирлиги томонидан жорий этилган химоя ордери тўғрисида юқори синф ўқувчиларига профилактика инспекторлари иштирокида маълумотлар бериш.	режа асосида	Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги

26.	<p>“Фуқаролар хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг роли ҳақида” мавзусида социологик тадқиқот ўтказиш.</p>	<p>1. Дастур асосида жамоатчилик сўровини ўтказиш. 2. Тадқиқотни тайёрлаш жараёнида маълумотларнинг ишончилиги ва репрезентативлигини таъминлайдиган танлов жамланмасини ишлаб чиқиш. 3. Тадқиқотнинг инструментарийсини тайёрлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш. 4. Ўтказилган тадқиқот сўнгида яқуний таҳлилий ҳисобот тайёрлаш.</p>	<p>2021 йил июнь-июль</p>	<p>“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази</p>
27.	<p>Хотин-қизларнинг ташқи кўриниши, кийиниш маданиятини янада ривожлантириш мақсадида хотин-қизларнинг “Нафосат” фестивалини ўтказиш.</p>	<p>1. Фестиваль чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш. 2. Худудларда фестивалнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш. 3. Фестиваль якуни бўйича ҳисобот тайёрлаш.</p>	<p>2021 йил ноябрь-декабрь</p>	<p>Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси</p>
28.	<p>Жамиятда гендер ёндашувларни кенг тарғиб қилиш, аҳолининг гендер тенглик масалаларида билимини оширишга қаратилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танловини ўтказиш.</p>	<p>1. Танловни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. 2. Танловни белгиланган муддатларда юқори савияда ташкил этиш. 3. Танловнинг тақдирлаш маросимини юқори савияда ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь ноябрь-декабрь декабрь</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия</p>
29.	<p>“Шарк дурдонаси” IV халқаро Ўзбекистон – Буюк Британия “Янги Ўзбекистон – янги имкониятлар – 2021” аёллар форумини ўтказиш.</p>	<p>1. Форум концепцияси, дастури, режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Форумни юқори савияда ўтказилиши бўйича чораларини кўриш.</p>	<p>2021 йил август сентябрь</p>	<p>“САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази,</p>

	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари бўйича узвий ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган Республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш.	3. Форумни оммавий илмий-амалий конференциясини ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Конференцияга оид дастурлар ва тарғибот материалларини тайёрлаш. 3. Конференцияни ўтказиш ва унинг яқунлари бўйича илмий мақолалар тўплами нашр қилиш.	3. Форумни оммавий илмий-амалий конференциясини ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Конференцияга оид дастурлар ва тарғибот материалларини тайёрлаш. 3. Конференцияни ўтказиш ва унинг яқунлари бўйича илмий мақолалар тўплами нашр қилиш.	ахборот тармоқларда	форум давомида	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия
30.	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари бўйича узвий ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган Республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш.	1. Республика илмий-амалий конференциясини ташкил қилиш бўйича ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Конференцияга оид дастурлар ва тарғибот материалларини тайёрлаш. 3. Конференцияни ўтказиш ва унинг яқунлари бўйича илмий мақолалар тўплами нашр қилиш.	2021 йил февраль май-июнь			Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, тегишли вазирлик ва идоралар
31.	Жамиятдаги ўзгаришлар ва тенденциялар, шунингдек гендер тенглик масалалари бўйича махсус телекўрсатувлар ҳамда ижтимоий роликлар, комедия жанридаги сериалларни тайёрлаш ҳамда телевидение ва радио орқали намойиш этиш.	1. Ижтимоий роликлар сценарийсини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни умумлаштириш. 2. Таклифлар асосида ижтимоий роликлар ишлаб чиқиш. 3. Телеканалларда гендер тенглик масалалари бўйича туркум кўрсатувлар, сериаллар намойишини ташкил этиш.	2021 йил август сентябрь доимий			Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги